ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

№ 163 (4622).

18 АВГУСТ ЖУМА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ҒЎЗАНИ МАШИНАЛАР СУҒОРМОҚДА

СОЛДАТСКОЕ, (ЎзТАГ мухбири). «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг машина парки «ДМ-100» маркали ёмғир ёғдиргич билан кучли машиналар билан таъминланди. Ҳозир бу машиналар ҳар гектаридан 35 центнер «оқ олтин» топшириш учун курашаётган Холмат Ёқубов бошлиқ бригаданинг 150 гектарлик пахта майдонини суғормоқда. Механизатор бир сменадаги иш вақти мобайнида беш гектар майдондаги ғўзани суғора оладн. Бу ғўзани ариқдан сув очиб оддий усул билан суғоришга қараганда беш баравар кўпроқ. Ёмғир ёғдирилганида нам далаларга бир текис тарқалади. Бу эса ғўзанинг қўллатиб суғорилиши ёки чаноқаб қолишининг олдини олади. Ҳар гектар майдондан 30 процент сув тежалади.

Хўжаликда ғўзани суғоришда «ППА-165» маркали агрегатлардан ҳам фойдаланилмоқда. Бу агрегат ғўза қатор оралари 90 сантиметр қилиб экилган майдонлардаги ғўзанн суғорнш учун эгатларга сув беради.

«ЗАНГОРИ КЕМАЛАР» ШАЙ БЎЛИБ ТУРИБДИ

ТЎЙТЕПА, (ЎзТАГ мухбири).

Ўрта Чирчиқ районидаги хўжаликларнинг механизаторлари пахта терадиган машиналарни куз мавсумига тахт қилиб қўйишни Ўзбекистон пойтахт областнда биринчи бўлиб тамомладилар.

Устахоналардан 454 машина тахт бўлиб чиқди.

— Районда йиғим-терим техникасини ремонт қилиш юзасидан штаб тузилган эди,— дейди Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Аҳмедов. — Машиналар поток-узел методи билан ремонт қилинди. «Таш сельмаш» заводининг коллективи —оталик ташкилотн ремонтчиларга катта ёрдам кўрсатди.

Барча агрегатлар ишни икки сменада уюштириш учун механик-ҳайдовчилар билан таъминланди. 840 та автоприцеп, қарийб 300 та юк автомобиллари, шунингдек пахта подборшчиклари тўла-тўкис ремонт қилиб қўйилди.

Район деҳқонлари бу йил пахтанинг 70 процентини машинада териб олишга аҳд қилдилар.


КАМАЗ УЧУН КРАНЛАР

Тошкентдаги «Подъемник» заводи коллективи қурилаётган Кама автозаводи учун кўпдан-кўп кўтаргич ускуналар—32 та электр кўприк крани тайёрлаб берди. Бу механизмлар кенглиги 22,5 ва 16,5 метр келадиган цехларда ишлаб олади ва ҳар бири 10 тоннадан юк кўтара олади.

Набережние Челнидаги бу умумхалқ қурилишининг муҳимлигини ҳисобга олган Тошкент крансозлари буюртмани график-дагидан олдинроқ бажариб бердилар. Кранларнинг ҳаммаси техника контроли бўлимида юксак баҳо билан қабул қилинди.

«Подъемник» заводининг маҳсулоти мамлакатдаги кўпгина корхоналарда машҳурдир. Бу ерда электр кўприк кранлар, шунингдек махсус-магнитли, грейферли ва бошқа кранлар барча минтақаларнинг об-ҳаво шароитларига мос келадиган қилиб ишлаб чиқарилади. Бу корхона коллективи автокурувчиларнинг буюртмаларини илгари ҳам бажариб келган. «Подъёмник» заводининг кранлари Тольяттидаги Волжск автомобиль заводининг кўпгина цехларига ҳам ўрнатилган.

(ЎзТАГ).



Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг пахтакорлари бу йил 5 минг тонналик хирмон кўтаришга аҳд қилганлар. Э. Ханаев бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш билан колхоз хирмонига муносиб ҳисса қўшиш ҳаракатида. Суратда: Э. Ханаев пахтазорларни кўздан кечирмоқда.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси, (ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ФЕРМА

Совхозда катта маблағ сарфланиб 200 бош мол боқиладиган сигирхона ишга туширилди. Эндиликда сигирларни соғиб олиш, ем бериш, суғориш, тозалаш ишларининг ҳаммаси механизмлар ёрдами билан олиб борилаяпти.

Шу сабабли совхозда 200 бош сигирдан кунига 2500 литрдан ортиқ сут соғиб олинаяпти. Мол боқиш, сут соғиш ишларининг механизация зинмасига юклатилиши сабабли ишчи кучи кескин камайди.

Сут соғувчилар ҳар соғин сигирдан 2350 литрдан сут топшириб, планни 15 ноябрда бажариш, пландан ташқари 30 тонна сут топшириш учун ҳаракат қилишмоқда.

ЕРГА-ЕР ҚЎШИЛМОҚДА

Хўжалик партов ерларда ташкил этилган. Шунга қарамай бу ерда йилдан йил ерга ер, ҳосилга ҳосил қўшилмоқда. Бу йил кўкламда сувсиз, бахорикор ерлардан 150 гектари ўзлаштирилиб, экин экилди. Юқори Тошкент каналидан насос орқали сув чиқарилди. Бу ерга экилган экинларнинг аҳволи яхши. Совхоз ана шу янги ердан шу йилнинг ўзидаёқ 2000 тонна сабзавот ва полиз экинлари олади.

Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида қисқа вақт ичида 35 минг сўм сарфланиб, 50 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Бу эса 150 гектар ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш имконини беради. Келгуси йилда 15 гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиқ оборотига киритилади.

М. ҒОЗИЕВ,
Калинин районидаги 2-Назарбек совхози.

ЎҒИТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Пахтакорларнинг шу кеча-кундуздаги ишлари, режалари мўл ҳосил етиштиришга қаратилгандир. Ғўзани ўғитга қондириш, парваришни давом эттириш, ҳосилга ҳосил қўшиш шу кунинг жанговар шиоридир.

Колхозимиз пахтакорлари бу йил 940 гектар майдонга чигит ташладилар. Баҳордан бери ғўзаларни озиқлантириш, культивациялаш маромида, вақтида олиб борилди. Айниқса минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Экиш вақтида, экишдан кейинги даврда азотли ва фосфорли ўғитлардан унумли фойдаланилди. Натижада пайкаллардаги ниҳоллар гуркираб ўсди.

Бу йил баҳордаги қийинчиликлар деҳқонларимизни анча ташвишга солиб қўйди. 500 гектар майдондаги ғўзани дўл урди. Бу ерларга қайта чигит ташлашга мажбур бўлдик. Ғўза парваришида қолоқликни тугатиш, ривожланишдан кечиккан экинни етказиб олиш йўлида астойдил меҳнат қилдик.

Ғўза ҳосилдорлигини оширишда маҳаллий ўғитдан фойдаланиш катта самара бермоқда. Июль ойининг иккинчи ярми ва август ойида ривожланишдан кечиккан майдонлардаги ғўзаларга маҳаллий ўғит солдик. Шунингдек, ўғитни шарбат тарзида оқизишга ҳам яхши эътибор берилди. Шунинг учун ҳам қолоқ ҳисобланган майдонлардаги ғўзаларда ҳам мўлжалдаги ҳосил тўпланди.

1972 йил пахта ҳосили учун органик ўғитларни тўплаш, ташиш ва далага солиш ойлиги муваффақиятли тугалланмоқда. Биз ҳозиргача 2 минг тоннага яқин органик ўғитни далага солдик. Бу ғўзаларнинг ҳосилига ҳосил қўшишда ижобий натижа бермоқда.

Чеканка ишлари муваффақиятли якунланди. Дастлаб чеканкани танлаб ўтказдик. Ғовлаб кетган майдонлардаги ғўзалар қисқа муддатда чеканка қилинди. Иккинчи маротаба эса ён шохлари чеканкасига эътибор қилинди.

Хўжалигимизда йилдан йилга прогрессив усуллар асосида иш юритилмоқда. Илғорлар тажрибаси кенг ёйилмоқда. Ўтган йили 100 гектар майдонга кенг қаторлаб чигит ташлаган эдик. Йил охирида ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 20 центнер ўрнига 30 центнерга етди. Бу йил 200 гектар майдонга кенг қаторлаб чигит ташландн. Деҳқонларимиз бу майдонларда ҳосилдорликни 35 центнердан оширишга бел боғлаганлар.

Улкан пахта хирмони ишқи билан меҳнат қилаётган деҳқонларимиз гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни камида ўн центнерга ошириш нияти билан тер тўкмоқдалар. Хўжаликдаги бор имконият, куч ва техника шу юксак мажбуриятни бажаришга қаратилган.

Бригадамиз пахтакорлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш йўлида ишлашмоқда. Ўзимизга қарашли 77 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 19 центнер ўрнига 30 центнердан ошириб «оқ олтин» олишга қарор қилганмиз. Ҳозиргача ғўзаларда саккиз-тўққизтадан бўлиқ кўсак ҳосил қилдик.

Ғўза парваришн билан бир қаторда пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрямиз. Бу йил ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»ларда йиғиштириб оламиз. Шунинг учун ҳам пайкаллардаги ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилди. Ҳозирги пайтда карта четларини тозалаб, машинабайланиш учун майдончалар қилиш, бегона ўтларни йўқотиш ишлари қизғин боряпти. Эгат ораларига шарбат оқизиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу кунгача биз майдонларга 100 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит чиқардик.

Культивация, суғоришни меёрида олиб бораётган кишиларимиз меҳнатини алоҳида кўрсатиш керак. Сиддиқ Адашев, Бек Чинов, Тошбой Аҳмедов каби сувчиларимиз, Хайит Жумабоев сингари пешқадам механизаторларимиз бутун куч-ғайратини шу хайрли ишга сарфламоқда.

Деҳқонларимизнинг бу йилги нияти эл бойлиги пахтадан юқори ҳосил етиштиришдир. Шу йўлда бутун тажриба ишга солинмоқда.

Қундуз ЖУМАБОЕВА,
Бўка районидаги Фрунзе номли колхозининг бригада бошлиғи.

ҲОСИЛ КЎПАЙМОҚДА

Август ҳосилга ҳосил қўшишда зарбдор ой, деб эълон қилинди. Ҳақиқатан ҳам бу ойда ғўл кўсакка айланади. Ғўза туплари сершох бўлиб, пишиб етилади.

Пахтакорлар ҳозирги дамларда ғўза парваришига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ғўзаларнинг ғовлаб кетмаслиги учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, зараркунандаларга қарши кураш ҳам қизитилган. Баъзи майдонларда кўсак қурти кўпайиб кетмаслигининг олдини олиш учун ҳар куни ғўза қатор ораларини кўздан кечириб турии керак. Шундагина мўлжалдаги ҳосил тўпланади.

Колхозимиз пахтакорлари ҳозирги кунда дала ишларини ана шундай ташкил этиб, яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Пайкалдаги ғўзалар серҳосил бўлиб вояга етмоқда. Бу йил деҳқонларимиз зиммаларига улкан мажбурият олишди. Ҳосилдорликни камида 35—40 центнерга етказиш миришкорларнинг жанговар ишлари бўлиб қолди.

Бригадамиз пахтакорлари ҳам бутун ёз бўйи мўл ҳосилни кўзлаб иш юритишмоқда. Натижада мавжуд ғўза пайкалларида ҳосилга ҳосил қўшиляпти. Ҳар гектар ердан 36 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қатъий аҳд қилганмиз. Улкан вазифани шараф билан бажариш, эл хирмонига мўл пахта тўкиш нияти ҳар бир пахтакорни меҳнатга ундамоқда.

Пахтакорлар учун бу йил анча серташвиш келди. Эрта баҳор ёмғир, сел ва дўлнинг заҳри ғўза ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Деҳқонлар зарар етган майдонлардаги кам ривож ғўзаларнинг парваришини уюшқоқлик билан ташкил этдилар. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ер озиқлантирилди, вақтида суғорилди. Культивация ишлари ҳам агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Натижада ғўзалар бир текис серҳосил бўлиб вояга етмоқда.

Парвариш ишларини намунали ташкил этишда механизатор ва сувчиларнинг хизмати каттадир. Миркарим Соатов, Ализоқ Ўразбоев каби механизаторлар, Ўрозимбек Холбеков, Асқар Нишонов, Жақин Мирзаахмедов каби миришкор сувчилар айниқса ғайратшижоат билан меҳнат қилишди.

Яқинда область ижроия комитети 1972 йил пахта ҳосили учун органик ўғитлар тўплаш, ташиш ва далага солиш ойлигини эълон қилди. Пахтакорларимиз бу ойликда фаол иштирок этяптилар. Кам ривож майдонлардаги ғўзалар маҳаллий ўғитлар билан қўшимча озиқлантирилмоқда. Органик ўғитларнинг асосий қисмини ғўза қатор ораларига шарбат қилиб оқизяпмиз.

Ҳозирги пайтда ҳар бир туп ғўзанинг ҳолидан хабар олиб, унинг парваришини жойига қўяётган пахтакорлар мўл ҳосил тўпламоқдалар. Ҳар туп ғўзада 10—15 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Кўсакка кўсак қўшиш учун яна парваришни давом эттириш керак.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригада бошлиғи.



САНОБАР Тошбоева ва Замира Жумановалар Чирчиқдаги «Ғунча» тикув фабрикасининг илғор чеварларидан. Уз касбини пухта эгаллаган бу меҳнатсеварлар А. Девятова ташаббусига қўшилиб, беш йилликни тўрт йилда бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Қизлар айни кунларда 1973 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Суратда: (юқоридан) С. Тошбоева ва Д. Жуманова.

В. ТЮРГАШКИН фотолари.



ЯНГИ КАНОП ЎРИШ АГРЕГАТЛАРИ

Областимиз хўжаликларида каноп ўрими қизғин кетяпти. Агрегатлар ёрдамида шилинаётган каноп пояси ҳар қачонгидан сифатли бўлмоқда. Ҳозир канопзорларда янги каноп ўриш агрегати ишламоқда. Оғир қўл меҳнати талаб қиладиган каноп ўрими механизация зиммасига юклатилганлиги лубкорларни беҳад мамнун қилмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Ленинский путь», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, «Северний маяк», Оққўрғон районидаги Димитров номли, «Ленинград» колхозларида ўнлаб ана шундай агрегатлар ишлаяпти.

Шунингдек, ҳозирги пайтда Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозида каноп-ни ўриб-янчиб кетадиган агрегат синовдан ўтказилмоқда. Бу агрегат меҳнат унумдорлигини янада оширишга, луб сифатини яхшилашга имкон беради. Яқин кунлар ичида янги агрегат областимиз хўжаликларига тарқатилади.



Суратда: Қундуз Жумабоева.

Н. Тўраев фотоси.

ШАРАФЛИ ВАЗИФА

«Ленинизм» колхози чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш борасида илдам одим ташламоқда. Хўжаликда бу соҳага алоҳида эътибор бериб, барча имкониятларидан тўла фойдаланиляпти. Бир йил мобайнида қорамоллар тўғри 104 бошга, шу жумладан соғин сигирлар 33 бошга кўпайди. Хўжалик 2000 бошга яқин қўй-эчкига ҳам эга.

Чорвадорлар гўшт, сут ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу соҳадаги ярим йиллик топшириқ уддаланди. Давлатга 650 центнер гўшт сотиш йиллик плани олти ойда 683 центнер қилиб бажарилди. Сут сотиш ярим йиллик плани эса анча ошириб адо этилди. Ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш кўпайтирилмоқда. Соғувчилар ҳар бош сигирдан шу кунгача 2000 килограммдан ошириб сут соғиб олишди. Хўжалик чорвачиликдан 300 минг сўмдан зиёд даромад олди.

— Пахтачиликдаги ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган,— дейди колхоз раиси Ю. Толипов.— бу соҳада илғор тажриба юқори малакали кадрларга эгамиз. Қарийб ҳамма дала ишлари комплекс механизациялашган. Коллективимиз ишлаб чиқаришда энг муҳим соҳалардан бири бўлган чорвачиликка жиддий аҳамият бераяпти. Илғорлар тажрибасини жорий этяпмиз. Сигирларнинг зотдорлигини яхшилаяпмиз. Ем-хашак базасини яратяпмиз...

Колхозда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш учун сидқидилдан меҳнат қилаётган жонкуяр ходимлар кўплаб топилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Ж. Бойназаров, Ленин ордени молбоқар С. Иноғомов, кекса ферма ходими Собир ота Имомов. А. Убайдуллаев, ферма мудири А. Содиқов, зоотехник Пия Гай ўртоқлар шулар жумласидандир. Ҳ. Темурқулова 16 бош соғин сигирнинг ҳар биридан йил охиригача 3800 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган. У шу кунгача ҳар бош сигирдан 2 тоннадан зиёд сут топширди. Солиҳа Муҳамедова фермадаги энг ёш сут соғувчилардан. У ўтган йили ўрта мактабни битириб фермага ишга келди. Солиҳа биринчи йилиёқ юқори кўрсаткичларга эришди, ферма ходимлари ўртасида яхшигина ҳурмат қозонди. Бу йил эса ҳар бош сигирдан 3600 килограммдан сут соғиб олди. Чорвачилик соҳасида жон куйдириб ишлаётганлар хўжаликда кўплаб топилади. А. Назарова, Р. Далимбоева, А. Ля Гай, А. Сиддиқов шулар жумласидандир.

Кези келганда, шуни айтиш керакки, ярим йилда ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 76 килограммдан знёддир. Шунингдек, ўтган йили ҳар бир сигирдан ўртача 3351 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил 3600 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилишган. Чорвадорлар бутун куч ва ғайратларини зиммаларига олган ана шу мажбуриятларни бажариш учун сафарбар этишмоқда.

Колхоз чорвадорлари ҳар йили мустаҳкам ем-хашак базасини яратишмоқда. Масалан, ўтган йили тайёрланган ем-хашак чорва молларига етиб, иккинчи йилга ҳам ортиб қолди. Бу йил ҳам чорва озуқаси тайёрлашда колхоз Янгийўл районида энг олдинги ўринда, кетяпти.

Колхоздаги мавжуд 250 гектар бедазордан юқори ҳосил олинаяпти. Бундан ташқари, лавлаги, судан, жўхори каби озуқа экинлари экилган. Хўжаликда ем-хашак тайёрлаш учун махсус бригада бўлиб, унинг ихтиёрида етарли ишчи кучи, техника бор. Бу бригадага сергайрат Камол Юнусов бошчилик қилаяпти. Унинг бошчилигидаги бригада аъзоларининг жон куйдириб ишлашлари туфайли шу кунгача планда белгиланган 660 тонна сенаж бостириш ўрнига 1400 тонна сенаж бостирилди. Табиий пичан, судан ўти, сомон кабилардан жами бўлиб 1350 тонна дагал хашак тайёрланди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чорвадорларга муттасил гамхўрлик қилиб турадилар. Улар учун барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. Ферма қошида лаборатория бўлиб, соғиб олинган сутнинг ёғлигини аниқланади. Шунга қараб ҳақ тўланади. Ҳар ойнинг охирида ферма ходимининг меҳнат унумдорлиги якунланади. Юқори кўрсаткичга эришган ходимга мукофот ва рақматномалар топширилади. Илғор ферма ходимларига санаторий, дам олиш йўлларига путевкалар берилади. Уларнинг фарзандлари учун колхозда қулай шароит яратилган. Боғча ва яслилар намунали ишлаб турибди.

Колхоз чорвадорларининг бу йилги мажбуриятлари катта. Азамат чорвадорлар ана шу шарафли вазифани тўла-тўкис адо этиш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бутун фикри-зикри СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигига муносиб совға тайёрлашдир.

М. ИБРОҲИМОВ.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР БАЙРАМИ

СССР ташкил этилганлигига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида 8 сентябрдан 15 декабргача иттифоқдош республикаларнинг кунлари ўтказилади. Бу кунлар СССРдаги дўст халқларнинг байрами, улар эришган муваффақиятларнинг кўриги бўлади. Виставкадаги янги экспозициялар шоири санага бағишланади.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси Бош комитети раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети Фан ва техника давлат комитети раисининг ўринбосари К. П. ЧЕРНЯЕВ ТАСС мухбири Ю. Берсенев билан суҳбатда бундай деди:

— Совет Иттифоқи коммунистик қурилишда эришаётган муваффақиятларни, қардош республикалар ҳаётбахш иттифоқини, экономика, фан ва маданиятнинг ривожланишини ёрқин, кенг кўрсатиш СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг юбилей йилидаги вазифасидир.

Биз юбилейга бағишланган экспозицияларда КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини, тўққизинчи беш йиллик вазифаларини амалга ошираётган совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий активлигини тўлароқ акс эттиришга интиламиз. Масалан, белоруссиялик ўртоқлар республика қишлоқ хўжалигида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий қайта ўзгаришлар тўғрисида тематик кўргазма тайёрламоқдалар. Бу ўзгаришлар «Галла» павильонида кўрсатилади. Украина СССР кунларида мана шу республикага бағишланган махсус экспозиция халқ маорифининг эришган муваффақиятлари ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида ҳикоя қилади. Тожикистон кўргазмаси мароқли бўлади. Бу кўргазмада қишлоқ районларининг аҳолисига медицина ёрдамини ташкил этишдаги муваффақиятлар кўрсатилади.

«Машинасозлик» павильонида РСФСР ва бошқа республикалардаги етакчи станкосозлик корхоналарининг эришган муваффақиятлари билан танишса бўлади.

Байрамнинг биринчи эстафетасини совет республикалари оиласидаги энг ёш республикалардан бири бўлган Эстония қабул қилади. Ундан кейин Туркманистон, Қирғизистон кунлари бошланади. Бу республикаларнинг кунлари сентябрь ойида ўтади. Шундан кейин Арманистон, Латвия, Молдавия ва Литва эришган ютуқларини намойиш этади. Ноябрь ойида Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон ва Ўзбекистон кунлари ўтади. Юбилейга бағишланган кўрик кунлари Белоруссия, Украина ва РСФСР кунлари билан якунланади.

Республикалар делегацияларининг составида партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш пешқадамлари бўлади. Улар пойтахт жамоатчилиги билан, корхоналар, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг коллективлари билан учрашадилар. Бу алоқалар Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашларининг қардош республикалар коллективлари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Меҳмонлар лекциялар ўқишади, суҳбатлар ўтказишади, СССР халқларининг дўстлигига, совет кишиларининг ватанпарварлик анъаналарига бағишланган кечаларда иштирок этишади.

Делегацияларнинг ижодий хисоботлари СССРнинг юбилей-га Бутуниттифоқ кўргазмаси тайёрлаётган экспозицияларга жонли шарҳ бўлиб хизмат қилади. «Марказий» павильонининг кираверши бўлимида «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи» деган шиорнинг мазмуни очиб берилади. Бу ерда В. И. Ленининг ва коммунистик партиянинг кўп миллатли давлатни барпо этишдаги, унинг экономикаси ва маданиятини, совет халқи маънавий-сиёсий бирлигини ривожлантиришдаги роли, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси кўрсатилади. 200 квадрат метр майдонни эгаллаган электрлаштирилган харита мамлакатнинг улкан саноати ўсганлигини яхши намойиш қилиб кўрсатади: бу харита республикаларнинг индустриал потенциали тўғрисида, уларнинг халқ хўжалигига қўшган ҳиссаси ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият павильонларида Совет Иттифоқи, мамлакат қардош иттифоқчи республикалари тармоқлар соҳасида эришган муваффақиятларининг кенг манзараси намоён этилади. Масалан, энергетика бўлими мамлакат энергетика базасининг қувватини яққол кўрсатиб беради, эртаги кунга боқиш — КПСС XXIV съезди томонидан белгиланган тўққизинчи беш йилликда ана шу соҳанинг асосий марраларини кўриш имконини беради. Братск, Красноярск, Усть-Илим ГЭС қурилишлари, қўриқ ерларни ва Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги, Кама автозаводини барпо этиш ва беш йилликнинг бошқа қурилишлари тўғрисидаги экспозициялар ўзаро қардошлик ёрдамининг ёрқин мисолларидир.

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ана шу бўлимларидаги экспонатлари иттифоқдош республикаларнинг яқиндан илмий ва ишлаб чиқариш кооперациялари тўғрисида, булардан ҳар бири турли миллат вакилларидан иборат мутахассислар, коллектив куч-ғайратининг бир бўлаги эканлиги тўғрисида, кўп миллатли мутахассислар ижодий ҳамдўстлигининг самараси эканлиги тўғрисида ажойиб далилдир. Бу мавзу КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" почтасидан

ДИЙДОР КЎРИШИШДИ

Шу йилнинг айни баҳор кунлари эди. Район ижроия комитети ички ишлар бўлимининг паспорт столи бошлиғи хонасига кексагина бир аёл кириб келди. Унинг нуроний чеҳрасида мулойимлик балқиб турса да, кўзлари ҳорғин боқарди. — Келинг, хизмат?

Аёл паспорт столи бошлиғи Анорбой Соиповнинг бу саволига жавоб беришдан аввал қўллари билан оқ сочларини силаркан, чуқур нафас олди да, деди:

— Ўғлим, мен-шу ерликман. Оққўрғон қишлоғининг Мустафо Чачи кўчасидаги 8-уйда истиқомат қиламан. Оққўрғонга Улуғ Ватан уруши даврида келганман. Исмим-Евдокия Даниловна, фамилиям-Тамилина.

— Хўш Евдокия Даниловна, эшитаман сизни?

— Мен, деб гап бошлади титроқ овоз билан Евдокия она.— Асли россияликман. 1933 йил онламиз ноқулай аҳволга тушиб қолди. Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам касал бўлиб, узоқ ётиб қолдик. Икката фарзандимиз бор эди. Улардан бири ҳали кўкрак эмарди, иккинчиси энди тетапоя юрганди. Биз уларни нонлож болалар уйига бердик. Уларга яхши қарашди. Узоқ вақт даволанишдан кейин энди болаларимизни олиб келамиз деб турганимизда уруш бошланди. Турмуш ўртоғим урушга кетиб, қайтиб келмади. Шу-шу бўлдию, болаларимни қидириб тополмай қолдим.

— Тушунарлик, онажон, шу пайтгача қидиртирмадингизми? — сўради А. Соипов.

— Бўлмасачи! — деди Евдокия Даниловна янги аралаш. — Уларни узоқ қидиртирдим, аммо дарак топа олмадим. Баъзи бировлар бомбардимон пайтида менинг болаларим яшаб турган болалар уйи ҳам яксон бўлиб кетганлигини айтишди. Сира ишонгим келмайди. Кўнглимда улар тирикдай, гўё бир жойда юргандай бўлаверади. Ҳа кун, ҳа тун оромим йўқ. Ахир, менинг ўша икки болажондан бошқа суянчиқ йўқ. Ноумид бўла олмай сизга ҳам бир учрашмоқчи бўлиб келдим.

Анорбой Соиповнинг қулоғига кампирнинг гаплари кирмади ҳам. Унинг кўз ўнгида она Россия тупроғини тилкалаб юртлаган бомба овозлари-ю, «она» деб тупроқлар ичида эмаклаб юрган икки норасида бир зум гавдаланди. У ҳаёлини йиғиб, Евдокия Даниловнани овутди:

— Агар омон бўлишса, топилади, сабр қилиб турингчи.

Евдокия Даниловна миннатдор бўлиб чиқиб кетди.

Эзишмалар, Ватанимизнинг турли бурчакларидаги қидирув бўлимлари билан алоқалар бошланди. Ҳамма жойдан бир хилда «йўқ, йўқ, йўқ,» деган хатлар келарди.

Тажрибали милиция ходими А. Соипов ишни тўхтатмади. Ниҳоят Саратов область Калинин район ижроия комитети ички ишлар бўлимидан хушхабар келди. Тамилина Римма Петровна ва Тамилин Александр Петрович Саратов областининг Лизовский районидаги Ленинский совхозида яшар эканлар.

Бу хушхабар Евдокия Даниловнага етказилди. Унинг кўзларидан севинч ёшлари оқарди. Узоқ йиллардан бери қийнаб келган бу ҳижрон бугун қувонч ёшлари, бахтли табассумга айланди.

— Умрингиз боқий бўлсин ўғлим,— деди у жигаргўшалари олдига жўнаб кетар экан милиция лейтенанти Анорбой Соиповга.— Сиз ва дўстларингиз менга қайта ҳаёт бахш этдингиз.

Шундай қилиб жигаргўшалар 31 йилдан сўнг дийдор кўришишди.

С. МУСТАФОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҚОРОЗДАГИ ВАЪДАЛАР

ЧОЙХОНАМИЗ ҚАЧОН БИТАДИ?

Жумабозор қишлоғига келиб, чойхона қидириб овора бўлманг. Тўғри, чойхона йўқ эмас, бор, фақат у ҳали қорозда. Биз, қарнялар учун чойхона қурилиши бошланиб, чала ташлаб кетилганига роппа-роса 20 ой тўлди.

Районимизда иши ярим йўлда шундай қолдириб кетадиган битта раҳбар бор, у ҳам бўлса район ДЭУсининг бошлиғи ўртоқ А. Эшонов бўладилар. Бундан икки йил илгари автобус бекати қурилишини ҳам ана шу Эшонов бошлиқ қурувчилар бошлашган эди. Унинг ҳам ярми битгач, ташлаб кетишганди.

Юқори Чирчиқ районига жойлашган бизнинг қишлоғимизда ошхона, магазин, боғча дейсизми, маданий-маиший хизмат комбинатлари дейсизми, ҳаммаси бор. Фақат чойхона йўқ.

Биз, қариялар илтимосини нобатга олмай, қишлоғимиз сельпоси ажратган пулга ҳам чойхона қуришни эплай олмаган А. Эшоновга қойил-е!

Қ. ЭШОВ,
Бир группа қарнялар номидан, пенсионер.

ЎРНАТИБ БЕРАМИЗ...

Ваъдани қойил қилиб бажарадиган одам берса!

Лекин, Тошкент шаҳрида шундай бир ташкилот борки, унда ишлайдиган масъул ходимлар қунига минглаб ваъдаларни бериб юборишади-ю, лекин бирортасини бажаришгани йўқ.

Менга алам қиладиган жойи шундаки, беришган ваъдаси ҳам ёзма, ҳам оғзаки бўлди. Фалон куни уйингизга телефон ўстакаси ўрнатиб берамиз, ҳам дейишди. Ўтган йилнинг 13 декабрь куни 14480 номерли квитанция бўйича тўланган телефон установкаси ва бошқа харажатлари ҳақини қойил қилиб тўлаб қўйсам-у, шу кунгача алдаб келишса... Бу орада телефон стацциясида ишлайдиган бошлиқлар ҳам алмашиб кетишди. Лекин, янгилари ҳам олдинги ҳамкасблари каби иш тутишмоқда.

Менга телефон ўрнатиб бериш ҳақида Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги инспекция бўлимининг бошлиғи Ю. Пеговнинг ҳам тузиб берган қўлбола акти бор. Унда ҳам «бир ой ичида ўрнатиб берамиз» дейилган эди. 12 йилдан буён телефон қуриб беришни сўраб, бир неча бор ариза бердим. Ваъда беришади, лекин, амалий ишга келганда бирон натижа йўқ. Бу орада мен яшайдиган Чилонзор район Большевик кўчасидаги хонадонларнинг деярлик ярмига телефон ўрнатиб берилди.

Еки менга берилган ваъда бажарилмаётганлигида бирон сир бормикан? Ҳайронман, агарда бажариш имконияти бўлмаса, Ю. Пеговга ўхшаш масъул ходимлар қуруқ ваъдани нега беришаркин?

А. НИЗОМХОНОВ.
1928 йилдан партия аъзоси, шахсий пенсионер.

ҲАМКАСБИНГИЗ ФИКРИ

СИФАТ ОЛИЙ БЎЛСИН

Партиямизнинг XXIV съезди биз қурувчилар олдига ҳам улкан вазифалар қўйди. Жумладан, съезд қарорларида қурилаётган биноларнинг сифати, ташқи безагининг оригиналлиги, лойиҳа-смета ҳужжатларининг пухта бўлишига эришиш каби қатор масалалар ўз ифодасини топган.

Ҳуш, биз бу қарорлардан ўзимизга қандай хулоса чиқариб олдик?

Гарчи афсусланарлик бўлса-да шуни эътироф этишимиз керакки, пешма-пеш қуриб, ҳукумат комиссиясига топширилаётган айрим бинолар ҳамон сифати, безаги жиҳатидан талаб даражасидан анча паст бўлмоқда. Масалан, бундан тўрт йил муқаддам пойтахтимизнинг Бешқайрағоч массивида бунёд этилган 124-мактаб биносини олиб кўрайлик.

Давлат комиссияси аъзолари бажарилган ишларни бевосита лойиҳа юзасидан текшириб чиқиш ди ҳамда бино фойдаланишга лойиқ, деб имзо чекишди. Албатта, темир-бетон конструкциялари асосида тикланган мактаб бир қарашда беками-кўстдек кўринади, синф ҳамда лабораторилар ёруғ. Ҳаво алмашиши дуруст, пардоз ишлари ҳам кўнгилдагидек бажарилган. Бунга мактаб маъмуриятининг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам бирон-бир эътирози йўқ.

Ниҳоят ўқишлар бошланди, куз ўтиб қиш етиб келди, ёғингарчиликлар давом этди. Қарабсизки, яқинда киши кўзини қувонтирган иморатнинг кўксонлари кўпикдек сув бетига қалқиб чиқди. Ёмғир тарновдан оқиш ўрнига синф деворларидан оқиб туша бошлади. Олдинига мактаб маъмурияти нима қиларини билмай гангиб қолди. Кейинчалик аниқланишича (бунгача бутун айб қурувчиларда деб ҳисобланарди) камчилик лойиҳада экан. Нега дейсизми?

Маълумки, республикамиз ёзи киҳоятда иссиқ бўлиб, ҳарорат ҳатто асфальт йўлларни ҳам ҳамиртуришдек бўшаштириб юборади. Бу ҳеч кимга, жумладан лойиҳачиларга ҳам сир эмас. Лекин улар шуни билатуриб мактаб томини қора тол ва мўм билан ёпишган. Натижада бу қурилиш материаллари ёзда эриб, том ғалвирга ўхшаб қолган.

Яна бир муаммо хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Мактаб қурилишида синф дераза ларига соябонлар ишлатилади. Қалинлиги 1 сантиметр келадиган бу соябонларни «Главташкентстрой»нинг саноат корхоналар бошқармаси коллективи ишлаб чиқаради. Соябонлар бир томондан ниҳоятда юпқа бўлса, иккинчидан узунлиги бир метрдан ортиқ тахталар ҳеч ерга михланмайди ҳам, бўғланмайди ҳам. Фақат қирқилган дарчалар орасига киритилади. Қаттиқроқ шамол турса ёки ёғингарчилик бўлса уларнинг учиб кетиши турган гап. Лекин, лойиҳачи ўртоқлар ҳам, саноат корхоналари бошқармаси ҳам бунга жавобгар эмаслар. Айб яна қурувчи устига тушади.

Биз, бош пудратчилар шу кунларда Юбилей микрорайонида меҳнат қилмоқдамиз. Вазифамиз биноларнинг дастлабки циклини ёки пойдеворини қўлдан чиқаришдир. Қолган ишларни Тошкент уйсозлик комбинатининг монтажчилари амалга оширишади. Улар хона деворларини монтаж қиладилар сўнгра пардозлайдилар.

План кетидан қувиб, сифатга путур етказиш кимга фойда-ку, кимга зиён! Бизнингча бино лойиҳасини яратишда лойиҳачи ўртоқлар ҳам, уни қуриш, монтаж қилиш, пардозлашни бўйнига олган ташкилотлар ҳам ўз фаолиятларида масаланинг ана шу томонига жиддий эътибор беришса айни муддао бўларди.

Т. ШОЮСУПОВ,
159-қурилиш трести партия комитети секретари.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

СПИРТСИЗ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ

Салор посёлка Совети территориясида спиртсиз ичимликлар тайёрлаш комбинатининг бинои қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Комбинатни 160-қурилиш трестига қарашли ПМК-126 нинг азаматлари қурмоқдалар.

— Комбинат қурилишини 1974 йилда битказиб фойдаланишга топширамиз, — дейди участка бошлиғи Р. Рамазонов, — бу ишда бетончи ва монтажчилар бригадаларн намунали ишламоқда.

Комбинат битказилиб ишга туширилгач ҳар йили 130 миллион шиша пиво, 40 миллион минерал сув, 50 миллион шиша лимонад ҳамда кўп миқдорда квас маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Киров номли касалхонадан бу ерда даволанган беморлар хурсанд. Ширинсуҳан врачлар, фельдшерлар ҳар бир беморни тезроқ соғайиб кетиши йўлида ҳамма имкониятларни ишга солмоқдалар.

Касалхона коллективи йил бошидан туғруқхона бўлимини ўз кучлари билан ремонт қилишга бел боғлаган эдилар. Ҳозир туғруқхона биносининг ташқи ва ички деворлари, поллари сифатли ремонтдан чиқарилди. Натижада давлатнинг 1500 сўм пули иқтисод қилиб қолияпти.

100 МИЛЛИОН ДОНА ҒИШТ УЧУН

Райондаги 2-ғишт заводлари бошқармаси коллективи бешйилликнинг иккинчи йилида 99 миллион ўрнига 100 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар. Заводнинг аҳил коллективи июль ойида 7 миллион 802 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариб, қурилишларга жўнатдилар.

Ж. ҚОДИРОВ.
И. РУСТАМОВ,
«Коммунизм тонги» газетасининг ходимлари.



ТОШКЕНТДАГИ Алишер Навоий номли маданият уйи қошида ташкил этилган «Баёт» ансамблининг иштирокчилари Пискент районининг колхозларида бўлишиб, ўз репертуарларини намойиш қилишди. Суратда: «Баёт» ансамблининг ёш ўйинчи қизларидан Насиба Мўминова.

Э. ТУРАЕВ фотоси.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ҲАЛОЛЛИК

Одессалик Чагон Иван Михайлович Тошкент кабель заводига қарашли илмий-текшириш институтига командировкага келди.

Навбатдаги ишларни битиргач, 26 июнь куни пойтахтимизнинг гўзал, диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун сайрга чиқди. Тошкентнинг таниб бўлмас қиёфасига, осмонўпар биноларига мафтун бўлганиданми ёки ҳаёли паришонлигидами қўлида кўтарган папкасини унутиб қаерда қолдирганини эслай олмайди.

Папкасида қайтиб кетиши учун олинган самолёт билети, ҳужжатлари билан 174 сўм пули ҳам бор эди. Буни қарангки, Чагон Иван Михайловичнинг унутиб қолдирган папкасини Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига қарашли 89—67 ТНД автомашина шофери Зиёджон Мирзаев топиб олди.

У Иван Михайловични қидириб, Тошкентдаги ҳамма меҳмонхоналардаги меҳмонлар рўйхатини кўздан кечириб чиқди. Улардан тополмагач, папкадаги ҳужжатларни синчиклаб ўқиб, командировка варақасида битилган адресга бориб уни топди.

Иван Михайлович пок виждонли шофер З. Мирзаевга чин юракдан миннатдорчилик билдирди.

Ш. ҚОДИРОВ,
Тошкент кабель заводининг инженери.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

СИРЛИ ФУРҚАТ

Яқинда мен Тожибой аканинг уйларига борган эдим. (У киши тошкентлик, радио комитетида ишлайдилар). Улар менга қизиқ бир ҳодисага дуч келганликларини тўлқинланиб айтиб бердилар.

Маълум бўлишича, кеҳжа фарзандлари Фурқатга (у ўнинчи синфнинг айланишига қарши томонга айлана бошлади. Фурқат тўхтаган эди, сим ҳам юқорига кўтарилган ҳолда қандайдир ғайри-табиий куч таъсирида сўнувчан тебранма ҳаракат қилиб тўхтади.

Ҳайратим яна ортди. Симнинг тўхташдаги ҳаракати электр асбоби стрелкасининг шкалани маълум ерида тўхташдаги ҳаракатини эслатар эди.

Симни қўлимга олиб, Фурқатга ўхшаб ушлаб юра бошладим, лекин ҳозиргина ёш бола қўлида ҳаракатланаётган сим энди жонсиз эди. Қанчалик ҳаракат қилмай, барибир бўлмади. Шу пайт бола қўлларини менинг симни ушлаб турган қўлларим устига қўйди... Шунда ҳали табиат арсеналида нақадар сирли, инсон ақли етмаган ҳодисалари борлигига яна бир бор ишондим. Чунки... шу заҳотиёқ симга «жон кирди». Шу ҳолатда аста юрган эдик, сим Фурқатнинг қўлида бажарган ҳаракатларини айнан қайтарди. Агар Фурқат қандайдир бизга номаълум энергия чиқараётган бўлса, менинг қўлим бола билан сим ўртасида ўтказувчи вазифасини бажарар эди.

Шундан кейин у симни қўлига олди сим учларини алмаштириб ушлаб, юра бошлаган эди, айланиш ҳам тескарисига ўзгарди.

Тиниб тинчимас Тожибой ака яна бир қизиқ тажриба ўтказадилар. Бу қуйидагича бўлди. Тожибой ака Фурқатга: «Фурқат, фикран қўлингдаги симга қимирлама!—деб буйруқ бер» дедилар. У шундай қилган эди, сим ҳаракатланмади.

Менимча, Фурқатдаги бу ажойиб хусусият бир неча минг йиллардан бери маълум бўлган ва асосан ер ости қазилма бойликларини излаб топишда меҳнат қилган кишилардаги каби ноёб қобилият бўлса керак.

Ҳозир фанда биофизика усули деб номланган йўл билан фойдали қазилма бойликлари қидирадиган отрядларда шундай фазилатга эга кишилар ишлашади. Мисол учун Ўзбекистон ССР Геология министрлиги махсус топшириқлари билан иш олиб борадиган отряд бошлиғи Б. Бондаревни, қозоғистонлик В. Матвеевларни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, яқиндагина Марказий телевидение программасидан берилган «Барча тўсиқларни енгиб...» деган кўрсатув ҳам шундай ноёб қобилиятга эга бўлган кишилар ҳақида эди. Шу эшитиришда қатнашган грузиялик гидрогеолог-инженер Г. Н. Кевхишвили ўзининг бу қобилиятини кишиларга ер ости суви топиб беришдек шарафли, фойдали ишга бағишлаб яхши натижаларга эришди.

Ҳозирча фанимиз кишиларда учрайдиган бундай ҳодиса табиатини очиб беролмаяпти, лекин олимларимиз албатта буниг тагига етиб боришади, деган умиддамиз.

О. ЖЎРАЕВ,
ЎзбекистонССР Фанлар академияси сейсмология институтининг инженери.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Материаллари изидан

„ОШХОНАМИ, ПАШШАХОНАМИ?"

Юқоридаги сарлавҳали танқидий хабарда Бўка сельпосининг умумий овқатланиш бўлимига қарашли 2-ошхонада нотартиб, на интизом ва на инсоф борлиги, ошхона ходимларининг тайёрлаётган таомлари ниҳоятда сифатсизлиги, масалиқнинг қарийб 25—30 процентини қозонга тушмай қолаётганлиги кўрсатилган эди.

Редакциямиз яқинда ана шу хабарга район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. Қодиров йўллаган жавобни олди. Унда айтилишича газетадаги мақола район санитария-эпидемкология станцияси ходимлари ҳамда район умумий овқатланиш бўлими ходимлари ўртасида муҳокама этилган.

Ошхонада камчиликларга йўл қўйгани учун ошпаз Сами Худойбердиевга қаттиқ виговор эълон қилинган. Умумий овқатланиш бўлимининг директори ишга яроқсиз деб топилган.

Шунингдек, бошқа ошхоналарда ҳам юз бераётган айрим камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланган.

СИЛОС БОСТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз чорвадорлари юбилей йилида чорвачиликни янада ривожлантириб, шу кунларда мустаҳкам озуқа базаси яратиш учун ҳамма имкониятларни ишга солишмоқда.

Бу йил хўжалик деҳқонлари 202 гектар ерга маккажўхори дони сепиб, меҳр билан парвариш қилдилар. Шу кунда чорвадорлар силос бостиришни қизғин давом этдирмоқдалар. «Белорусь» тракторига тиркалган маккажўхори ўриш комбайнини моҳир механизаторлар Т. Саҳиев ва Н. Мирзаевлар бошқаряпти. Ҳар гектар ердан ўртача 300 центнердан силосбоп кўк поя олиняпти.

Чорва учун 2200 тонна силос, 100 тонна сенаж, 500 тонна беда пичани, 1500 тонна дагал хашак жамғаришга аҳд қилган совхоз ишчилари айни кунларда озуқа жамғаришни кучайтириб юборишди. Сенаж бостириш плани 105 процентга етказиб бажарилди. Хўжалик деҳқонлари шу кунгача 600 тонна силос жамғариб қўйдилар.

Комбайнчилар Т. Саҳиев, Н. Мирзаев ўз агрегатларини унумли ишлатиб, ҳар куни 4—5 гектар майдондаги маккажўхорини сифатли ўриб беришга эришяптилар.

Т. УСМОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ҚАРОВСИЗ ТРАКТОРЛАР



Калинин районидаги «Дамачи» боғдорчилик совхозининг айрим кишилари тутаётган ишини кўриб ачинасиз. Давлат томонидан ажратиб берилган техника воситаларини авайлаб, улардан имкони борича унумлироқ фойдаланиш кераклиги ҳақида қайғурадиган кишилар бу совхозда йўққа ўхшайди. Совхоз раҳбарлари техника воситаларини ўз мулкларидай сақлашлари керак. Уларчи, кунда фотоайбномада кўрсатилган чопиқ трактори ярмигача лойга ботганини кўришади, шу ердан ўтишади-ю, лекин шу аҳволда қанчадан бери ётганини на уларга, на совхоз халқ контролидаги бирон кишига маълум эмас.

Кучли тракторлардан бирн ҳисобланган ДТ-54 ни айтмайсизми! У ҳам шу даражагача келтириб қўйилганки, холини кўриб ачинасиз. Кераклн қисмларининг деярли ярми йўқ. Уни ҳам совхоз раҳбарлари ким ташиб кетганлигини билишмаса керак. Еки 7—бригада бошлиғи Эсиркоп Тасибоев билармикин! Совхозда қанчадан-қанча қимматлн техника воситаларини ташландиқ ҳолга келтириб қўйилганлигига совхоз бош бухгалтери Фармон ака нима деб жавоб беришн мумкин. Ахир, уларнинг ҳаммасининг таннархи, келтирадиган фойдаси шу кишининг ҳисобидан ўтади-ку.

Ишчилар меҳнатини енгиллатадиган техника воситаларига муносабатни совхоз раҳбарлари кескин ўзгартиришлари керак. Шундагина совхоз бойлигига бойлик қўшилади. Буни улар яхши билишади-ю, негадир ҳафсаласизлик қилишадими, ёки эсиксини тезроқ бузиб янгисини олишга шошишадими, бунисн бизга аниқ эмас.

Конкрет жавобни улардан кутамиз.




Суратда: қаровсиз тракторлар.
С. МУСАЕВ фотоси.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



▲ АТЛАНТИК океанининг тропик кенгликларида эксперимент ўтказиш учун «Тропэкс-72» экспедицияси йўлга чиқди. Бу илмий сафарда бир қанча совет илмий-тадқиқот кемалари қатнашади. Суратда: «Академик Курчатов» илмий-тадқиқот кемаси.

Е. ФИЛИПЕНКО фотоси.



▲ ТАТАРИСТОН АССР. Татаристон нефтчилари тўққизинчи беш йилликда ярим миллиард тонна «қора олтин» қазиб чиқарадилар. «Татнефть» бирлашмасининг барча бригада ва участкаларида йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун СССРнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг кулоч ёймоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Багманов бошчилигидаги вишка қурувчилар коллективи, айниқса, катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Суратда: Г. Багманов бригадаси навбатдаги вишкани ўрнатмоқда.

Б. МЯСНИКОВ фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ДЎСТЛИК САФАРЛАРИ


Область касаба союзлари совети ёшлар ўртасида маданий алоқалар, турли учрашувларни йўлга қўйиш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда Бутуниттифоқ студентлар агитбригадаси ташкил этилди. Ана шу бригада составига кирган политехника институтининг бир группа студентлари Минск шаҳрига бориб келдилар. Улар Витебск, Новополоьск шаҳарларида бўлишиб, студент қурувчилар билан дўстлашдилар 20 кишидан иборат бу бригада Минск маданият саройларида, истироҳат боғларида қурувчи студентларга катта программада концерт қўйиб беришди.

Кўп ўтмай Минск шаҳридан ҳам медицина институтининг бир группа бадиий ҳаваскорлари пойтахтимизга меҳмон бўлиб келишди. Улар ҳам тошкентлик қурувчи студентларни ўзларининг концерт саломлари билан хушнуд этадилар. Улар 20 кун республикамизда, жумладан Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида, Чорвоқ ГЭСи, Халқобод комбинатида бўлишди.

Куни кеча улар Бухоро шаҳридаги қурувчи студентлар ҳузурига жўнаб кетдилар. У ердан Қорақалпоғистон Автоном республикасига ўтадилар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.



ЎРТА ОСИЕДА энг йирик ҳисобланган бу даволаш муассасаси пойтахтимизнинг кенжа Қорақамиш массивида қад кўтарди. Беш корпусдан иборат бўлган поликлиника замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда хизмат қиладиган 200 га яқин медицина ходими кунига 700—800 беморни қабул қилиши мумкин. Суратда: янги поликлиниканинг умумий кўриниши.

Г. ГРИГОРЬЕВ фотоси. (ЎзТАГ).

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

52 ДАРАЖА ИССИҚ

ТЕҲРОН, 16. Теҳрон радиоси хабар қилди: Жанубий Эроннинг Хузистон вилоятида кунлар ниҳоятда исиб кетди. Ҳарорат целсий бўйича 52 даражага етиб қолди. Ана шундай иссиқ кунларда чанг-тўзон бошланди. Ахвазда офтоб уришидан 2 киши ўлди ва 18 киши касалхонага ётқизилди.

СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ РИМДА

РИМ, 16 август. (ТАСС). Совет фильмлари кинолекторийси Италия пойтахти аҳолисига ғоят манзур бўлмоқда. Бу кинолекторийни «Италия—СССР» жамияти бўлими Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан уюштирган эди. Жамият активлари, меҳнаткашларнинг вакиллари ҳар куни кечқуруи томоша залига тўпланишади. Бу ерда барча иттифоқдош республикалар киностудияларининг бадиий ва ҳужжатли фильмлари намойиш қилинади.

ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари шимолий-ғарбий секторда душманга зарба беришни давом эттирмоқдалар. ЮПИ агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беришича, Куангчи ҳимоячилари ўтган кечаси шаҳарнинг жанубий чекка ларида Сайгон денгиз пиёдаларининг позициясига ҳужум қилганлар. Ҳужумдан олдин душман позицияси тўпга тутилган.

АҚШ авиацияси озодлик кучларининг Сайгон атрофидаги қўғирчоқ армиянинг позициясига кўрсатаётган таъзйиқини сайтиришга уриниб, Сайгон билан Камбоджа чегараси ўртасидаги Жанубий Вьетнамнинг кенг районларини ёпиришиб бомбардимон қилмоқда, «В-52» маркали самолётларнинг ўзигина ўтган кечаси шу секторга қарийб минг тонна бомба ташлади. Бироқ Америка самолётларининг бомбардимон қилишларига ва «жойларни тозалаш» операцияларининг ўтказилишига қарамай, ватанпарварлар Жанубий Вьетнам пойтахти яқинида Меконг дельтасида душманга ҳужум қилишни давом эттирмоқдалар.

ЯНГИ ИҒВОГАРЛИК

БАЙРУТ, 16 август. (ТАСС). Исроил ҳарбий самолётлари 15 августда Ливаннинг осмон чегарасини яна икки марта бузиб ўтди. Байрут газеталарининг хабар беришича, Исроилнинг «Скайҳок» типидаги икки самолёти кунниг биринчи ярмида Аркуб райони устидан учиб ўтди.

Шу куни кечқурун Исроилнинг «Фантом» типидаги самолёти Ливаннинг осмон чегарасига бостириб кириб, Набатия, Сур ва Сайда шаҳарлари устидан разведка мақсадида учди.

Газеталар сўнгги ўн кун ичида Исроил самолётлари Ливан осмонига олти марта бостириб кирганлигини таъкидлаб ёзмоқда.

ХИНГИЕНДА СОКИНЛИК ЙЎҚ

Хайхинг вилоятининг жанубий-ғарбий қисмига жойлашган Хингиен шаҳрида ҳам сокинлик йўқ. Бу шаҳарнинг номи «гуллаётган сокин шаҳар» деган маънони билдиради. Вьетнам Демократик Республикасининг бир бурчагига жойлашган бу шаҳарнинг аҳолиси—деҳқонлар ва ҳунар билим юрти ўқувчилари тинчгина ҳаёт кечиришар эди.

Америка империализми бошлаган уруш бу шаҳарга ҳам етиб келди. Банан ўсимликлари билан кўмилган, атрофини квадрат шоли майдонлари ўраб олган бу яшил шаҳарда ҳам аҳоли сокинлиги бузилган. Тинч меҳнат билан банд бўлган аҳоли устида душман бомбалари портлай бошлади.

... Шаҳарнинг марказий майдонида бир неча дақиқага тўхтаб ўтдик. Америкончасига бўлган «таъриф» дан кейинги ҳолатга қараб туриб газабинг қайнайди. Кўчадаги вайронагарчилик бир неча юз метрга чўзилиб кетган. Мана бу уйда кеча китоб магазини жойлашган бўлиб, китобхонларнинг севимли жойи эди. Бугун эса душман бомбасидан кейин қараб бўлмайди. Тешик деворлар орқасидан ҳар тарафга сочилган ва ярми ёнган китоблар кўзга ташланади. Айрим уйлардан эса ҳамон бурқсиб тутун чиқиб турибди. Дуч келган жойга қўйилган сўзлар ёзиб қўйилган: «ҳавфли!», «портламаган бомба бор!»

— Агрессорлар бизнинг шаҳримизда нега бунчалик ваҳшийлик қилишганига тушунмайсан, киши, — дейди маъмурий комитет раиси Зионг Мань Тьен.—Хингиенда бир неча кустарь устахонадан бўлак ҳеч қандай саноат корхонаси йўқ-ку! Маҳаллий халқ аъзолари бамбук ва похолдан саватлар тўқиб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади.

Ҳаво ҳужуми тунда соат 3 дан 30 минут ўтганда, ҳамма ширин уйқуда ухлаётганида рўй берди. Турар-жой кварталларига 18 фугас бомбалари, кўплаб ёндирувчи портлагичлар тўртта осколкали бомбалар контейнери ташланди. Эрий буткул вайрон қилинди ва куйиб кул бўлди, ўнлаб бинолар шикастланди, юзлаб аҳоли ҳалок бўлди, яраланди, бошпанасиз қолди.

Вайрон бўлган ва бурқсиётган уйлар олдидан ўтиб бораяпмиз. Одамлар ўз уйлари олдида буюмларини ковлаб олишга ҳаракат қилишмоқда. Ана шуларнинг бири баланд бўйли, камсоқолли мўйсафид Нгуен Ван Ламдир. Унинг уйи ҳам Америка бомбаси остида қолди.

— Ёшим 72 да, — дейди Лам. — Бутун умрим мобайнида ўз она тупроғим, Вьетнам ерида меҳнат қилдим. Америкаликлар бу ерда нималарни йўқотишди экан?... Ҳаводан ҳужум қилинган пайтда бутун оиламиз билан ертўлага яширинишга ҳаракат қилдик. Лекин у ерга етиб боролмадик. Хотиним, ўғлим, набирам... ҳалок бўлди. Бошимга жудакатта мусибат тушди. Тирик қолганлар сафида туриб овозим борича шундай дейман: ўз она ерингизни душмандан ҳимоя қилинг, куч ва жонингизни аяманг. Душман жазосиз қолмаслиги керак!

Шу тунда Хингиен шаҳри қанча аҳолисини йўқотди экан? Мана 24 ёшли Чунгнинг сўзини эшитинг. Кеча унинг оиласида 7 киши бор эди. Чунгдан бошқа олти кишининг ҳаммаси ўз уйидан турмасдан ҳалок бўлди. Чунгнинг бошидаги дока қип-қизил қон билан бўялган, чап қўли ҳам қаттиқ жароҳатланган... Тунги ҳужумнинг қурбонлари бўлган аҳолининг кўпчилиги болалар. Маҳаллий касалхонага жойлаштирилганлар орасида 8 ёшли Тонинг юзи ва баданининг кўпгина қисми куйган, у ҳатто ётолмайди ҳам...

Агрессорлар бу тинч ўлкага ҳам ажал уруғи ва вайронагарчиликни олиб келишди. Аммо хингиенликлар уларнинг ерларида яна сокинлик ҳукм суришига, тинч шаҳарлари янада гуркирашига интилишмоқда. Улар шунинг учун ҳам босқинчилар билан мардонавор курашмоқдалар.

К. БОБРОВ, А. ВОЛОДИН. АПН махсус мухбирлари.

*

ҲИНДИСТОН. Бош министр Индира Ганди ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар ватан қишлоқ хўжалик техникаси бўлган янги тракторни кўздан кечиришмоқдалар. Бу трактор га ҳосилни йиғиб олишда фойдаланиладиган осма мослама ўрнатилган.

ТАСС фотохроникаси.



*

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

СССР ТАШКИЛ ТОПГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

19, 20 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ҚИЗЛАРХОН ДУСМУҲАМЕДОВА, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА, САЙФИДДИН НЎЛДОШЕВ;

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Гулшод ОТАБОЕВА, Дадахон ҲАСАНОВ, Аҳмад ШУКУРОВ, Хотам ҲОЖИЕВ, Назира ШЕРАЛИЕВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Қодир МЎМИНОВ, Роза КАКУРИЕВА, Тўхтасин МАДАМИНОВ ва бошқалар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҲАКИМ НИШОНОВ.

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР Свердлов номли концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ДА

ВУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ДИПЛОМАНТИ

ВОКАЛ-МУЗИКАЛИ ХОРЕОГРАФИК

„ЛАЗГИ“ ансамблининг концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛСАРА ЕҚУБОВА

VI Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивалининг лауреатлари: ОНАБИБИ АҲМЕДОВА, ОТАМУРОД ҲОЖИЕВ, РАЖАБ НЎЛДОШЕВ;

Ансамблининг солистлари: Шариф СУЛТОНОВ, Угилжон РАҲИМОВА, Омина ҲАЛИЛОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Турсуной МАМЕДОВА;

Раққосалар ва раққослар: Рашида АЗИМОВА, Раъно ЖУМАНЕЗОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ойдин ЭГАМБЕРДИЕВА, Светлана ПОПОВА, Бекажон ҲАЙИТОВА, Назира СУЛТОНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Жумабой БОБОЕВ, Марат ЖУМАБОЕВ;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Қодир уста БОБОЖОНОВ, Собир НЎЛДОШЕВ, Назир ОЛЛОБЕРГАНОВ, Элуддин ШАХОБИДДИНОВ, Усмон АҲМОНОВ, Тоҳир АЪЗАМОВ.

Ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артист ГАВҲАР РАҲИМОВА.

Программани Зуҳра ТЕМИРОВА олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Шоирлар — болаларга, 11.20 — «Еттидан ўн иккигача» (бадиий фильм).

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси, 18.00 — Болалар учун. «Феффининг саргузаштлари» (кўп серияли қўғирчоқ фильмнинг 8-9 серияси, ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.50 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.05 — УСМОН НОСИРнинг адабий портрети, 19.40 — «Ахборот» информацион программаси, 20.10 — Ёш ижрочилар концерти, 21.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. «Катта хирмон арафасида». 22.00 — «Кедра сири» (телевизион фильм), 22.30 — «Тулмўйиннинг беш куни». Учинчи кўрсатув «Қурилиш қон томмири». 22.55 — «Унинг яшашдан мақсади» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.20 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Тўлқинда — «02», 20.10 — Ҳаваскорлар кинофильмлари республика конкурси олдидан (рус тилида), 21.10 — «713 рухсат сўрайди» (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/VIII да Мирзо Улуғбек, 19/VIII Алишер Навоий.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/VIII да Лаҳма, 19/VIII да Ҳалима, 20/VIII да Хотинимнинг эри.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сангам (ўзбек тилида, кундуз соат 12 ва 4 да), **Мессе фермасининг сири** (кеч соат 8 ва 9 яримда): — НАВОИЙ номли.

Уч мушкетёр — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Садоқат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3 кеч 6 ва 8.45 минутда).

Гайдун Ангелнинг саргузашти — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи), «ВОСТОК» (куфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9.45 минутда).

Петербург билан хайрлашув — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Аббоснинг онаси — «СПУТНИК» (куфт соатларда), «КЎКЧА» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 8.45 минутда).

Қароқчи-қариялар — «ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқуруи).

Туман тарқалгач... — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Қулгили қиз — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8 да).

Уч юз спартанлик — «КЎКЧА» (кундуз соат 11 ярим, 1 ва 3 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Гайдун Ангелнинг саргузашти — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тошкент область комсомол комитети республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Ўзбекистон комсомолининг ветерани

Аъзамхон АЛИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Краснодар шаҳрида 9—14 август кунлари мамлакатимизнинг колхоз-совхоз физкультура коллективлари ўртасида Бутуниттифоқ спартакиадаси ўтказилди. Ўзбекистон шарафини Тошкент области командалари ҳимоя қилди.

Эркин курашдан «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг командаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Оғир атлетика ва велоспорт бўйича «Политотдел» колхози спортчилари мусобақалашдилар. Оғир атлетикачиларимиз учинчи ўринга, велосипедчиларимиз эса олтинчи ўринга кўтарилишга муваффақ бўлдилар.

Енгил атлетика бўйича «Қизил Ўзбекистон» колхози командаси юборилган эди. Бу команда ҳам мамлакатнинг кучли коллективларидан эканлигини намойиш қилди. «Қизил Ўзбекистон» енгил атлетикачилари бешинчи бўлдилар. Иттифоқдош республикалар ўртасида умумий ҳисобда РСФСРнинг физкультура коллективлари биринчи, украиналиклар иккинчи, Ўзбекистоннинг қишлоқ спортчилари учинчи ўринни эгалладилар.

Енгил атлетикачиларимиздан Мардасова 200 метрга югуришда спартакиада чемпиони бўлди, 400 метрга югуришда эса 1—2 ўринларни бўлишиб олди. Эркаклар ўртасида 200 метрга югуришда Касаткин иккинчи, Урунов тўртинчи натижа кўрсатди. Полянский 400 метрга тўсиқлар оша югуришда, Звездрис эса 20 километрга юришда мукофотли иккинчи ўринни олдилар. Оғир атлетикадан «Политотдел» колхози аъзолари Пак, Югай ва бошқалар Бутуниттифоқ спартакиадаси совриндорларн бўлишди.

БИРИНЧИ ЛИГА РЕКОРДЛАРИ

Биринчи лига футбол командалари мусобақасида «Пахтакор» карвонбошилик қилаётганлигини сизга маълум. Ҳамшаҳарларимиз 20 коллектив ичида энг кўп ютуққа эришдилар. Айни чоғда «Пахтакор» энг кам мағлуб бўлган команда ҳам ҳисобланади. Тошкентликлар 16 марта ғалабага эришиб, уч ўйиндагина енгилдилар.

Чемпионатнинг энг «келишувчи» командаси — «Крилья Советов» дейиш мумкин. Куйбишевликлар 24 ўйиндан 14 тасини дуранг билан тугатдилар. Аммо бу команда сўнгги турда Кутаиси торпедочиларини «ҳафа» қилди. Мавсум бошидан буён ўз ўйида меҳмонларга бироита ҳам очко бермаган автозаводчилар куйбишевликларга ютқазиб қўйишди.— 0:1. Бу мағлубият «Торпедо»ни олий лига даъвогарлари рўйхатидан тушириб қолдириши мумкин. Ҳозир кутаисиликлар 23 ўйинда 26 очко тўплаб олтинчи ўринда турибдилар.

Биринчи лига командалари ўртасида «Кривбасс» ҳимояси энг бўшлиги билан ажралиб турибди. Кривойрогликлар ҳар ўйинда қарийб иккитадан тўп қўйиб юборишмоқда. Ҳозир рақиблар улар дарвозасини 44 марта ишғол этишган.

Энг ҳужумкор команда «Черноморец» ҳисобланади. Одессаликлар 23 ўйинда 43 та тўп киритишди. «Пахтакор» эса бу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринда. Тошкентликлар рақиб дарвозасини 42 марта ишғол қилдилар. Бу тўплардан 17 тасини Абдураимов киритган. Хўш, қолган тўплар кимларга қандай тақсимланади? Лисаковский 7 та, Федоров 5 та, Кузьмин 4 та, Варюхин 3 та, Ан 2 та, Исоқов, Иванов, Солохо, Хадзипанагис биттадан тўп киритганлар.

Энг ҳимояси пухта коллектив Донецкнинг «Шахтёр» командасидир. Кончилар дарвозасига мавсум бошидан буён бор-йўғи 13 та тўп киритилди. Бу кўрсаткич бўйича «Пахтакор» иккинчи ўринда бормоқда — 16 тўп.

«Пахтакор», «Черноморец» каби пешқадамлар кучлилар сафига чиқиш ниятида бўлса, сўнгги ўринларда бораётган «Уралмаш», «Кривбасс», «Динамо» (Ленинград) командалари «А» классида қолиш учун курашмоқдалар.

КОМСОМОЛ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети кубоги учун ўсмир футболчилар ўртасидаги финал ўйинларида Бухоро, Самарқанд ва Тошкентнинг иккита команда си қатнашди. Пойтахтимиздаги спорт мактаб интернати ва ёшлар футбол мактаби командалари бештадан очко олиб, пешқадам бўлдилар. Бу икки коллектив ўртасидаги ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Голибни аниқлаш учун қўшимча ўйин белгиланди. Бунда спорт мактаб интернати ёш футболчилари 2:0 ҳисобида голиб чиқдилар. Бу командага Исо Тошмуҳамедов тренерлик қилади.

Ғолибларга Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг фахрий мукофоти топширилди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—04403. ИНДЕКС 64697. Б. 1818.